

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ДАЛИЕВ ШАХРУХ ХОЖАКБАРОВИЧ

**ҚИЙИН ЭРУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙ
ВА КРЕМНИЙЛИ СТРУКТУРАЛАРДА НУҚСОНЛАР ҲОСИЛ
БЎЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Далиев Шахрух Хожакбарович

Қийин эрувчи элементлар билан легирланган кремний ва кремнийли структураларда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнлари 3

Далиев Шахрух Хожакбарович

Процессы дефектообразования в кремнии и кремниевых структурах, легированных тугоплавкими элементами 23

Daliev Shakhrukh Khojakbarovich

Processes of defect formation in silicon and silicon structures doped with refractory elements 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ЯРИМУЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ДАЛИЕВ ШАХРУХ ХОЖАКБАРОВИЧ

**ҚИЙИН ЭРУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙ
ВА КРЕМНИЙЛИ СТРУКТУРАЛАРДА НУҚСОНЛАР ҲОСИЛ
БЎЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/FM.147 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://iplt.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мамадалимов Абдугафур Тишабаевич физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Арипов Хайрулла Кабилович физика-математика фанлари доктори, профессор Исмаилов Қанатбай Абдреймович физика-математика фанлари доктори, профессор Онаркулов Каримберди Эгамбердиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.Б. Ашуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

И.Д. Ядгаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

М.Ш. Курбанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Ҳозирги кунда жаҳонда фан ва техниканинг деярли барча соҳаларида қаттиқ жисмлар электроникаси қурилмаларидан фойдаланилмоқда. Қаттиқ жисмли асбобларнинг ишлатилиш соҳаси доимо кенгайиб бормоқда, саноатда янги йўналишларнинг ривожланишига йўл очиб берувчи бутунлай янги типдаги асбоблар яратилмоқда, бу эса ҳозирги замон яримўтказгичли қаттиқ жисмлар электроникасининг асосий материали бўлган Si структурасини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан Si да нуқсонларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини турли киришмалар билан легирлаш орқали ўрганиш ва яримўтказгичли асбоблар параметрларини – барқарорлаштиришнинг бошқариладиган усуллари яратиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда бутун дунёда микроэлектрониканинг ривожланиш тенденциялари таҳлили шуни кўрсатадики, келажакда ишлаб чиқариладиган микросхемаларнинг аксариятини асосий элементи МДЯ (металл-диэлектрик-яримўтказгич) структуралар бўлган рақамли логик интеграл микросхемалар ташкил қилади. Рақамли ва аналогли сигналларни қайта ишлаш қурилмаларида заряд боғловчи асбоблар (ЗБА) ҳозиргача ишлатилмоқда, қаттиқ жисмли фотоқабулқилувчи қурилмалар сифатида-фотосезгирли ЗБА қурилмаларининг ишлаши ҳам МДЯ–структураларга асосланган.

Лекин микросхемаларнинг интеграция даражаси ортиши билан катта ва ўта катта интеграл схемаларни яратишда кўп қатламли кремний структураларидаги сирт ва ҳажмий нуқсонлар асбобларнинг ишлашига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу эса яримўтказгич-диэлектрик чегараси яқинида ва яримўтказгич ҳажмидаги нуқсонларни янада чуқурроқ ўрганиш заруратини ва ишлаб чиқарилган асбоблар параметрларини ўзгартиришга қанча ҳисса қўшганлигини аниқлашни талаб қилади. Киришма зарралари ва яримўтказгич структураси нуқсонлари орасидаги ўзаро таъсирни ўрганиш, МДЯ-структуралар тузилишининг гетерогенлигининг киришмаларнинг қайта тақсимланишига таъсири МДЯ-структуралар асосидаги микросхемаларнинг ишлаш параметрлари барқарорлигини ошириш имкониятини очади.

Дунёда бугунги кунда монокристалли кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш, хусусан, қуйидаги соҳаларда илмий-тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифа ҳисобланади: қийин эрувчи элементлар (ҚЭЭ) киришмалари билан легирланган кремнийга турли омиллар таъсирида нуқсонлар маркази шаклланишини тадқиқ қилиш; технологик киришмаларнинг қийин эрувчи киришмалари кремнийда чуқур марказлар ҳосил бўлиш механизмларига таъсирини ўрганиш; қийин эрувчи киришмалар ҳосил қиладиган чуқур энергетик сатҳлар спектрининг пайдо бўлиш қонуниятларини ўрнатиш; қийин эрувчи элементларнинг бошқа киришмалар ҳамда панжарадаги структуравий нуқсонлар билан таъсири ва қийин эрувчи элементлар киришмалари кремнийда структуравий нуқсонларнинг ҳосил бўлишида термик ва радиацион нуқсонларнинг таъсирини ўрганиш. Ушбу

йўналишларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон олимлари томонидан яримўтказгичли материаллар ва кўп қатламли структураларни чуқур сатҳли киришмалар (ЧСК) билан легирлаш жараёнларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Ўтувчи ва нодир ер элементларини кремнийга киритиш орқали кремнийли структураларнинг фотосезгирлигини оширишда юқори ютуқларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракат стратегиясига мувофиқ, инновацион технологияларни жорий этиш орқали яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотлар асосида микроэлектроника саноатининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» (2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442-сон қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг Ф.2.»Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» III. Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, электрон асбобсозликнинг ривожлантиришни устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро тадқиқотларнинг шарҳи¹.

Яримўтказгичлар физикаси ва яримўтказгичлар материалшунослиги соҳасидаги тадқиқотлар илғор давлатларнинг илмий марказлари, институтлари ва университетлари: жумладан, Цинциннати ва Калифорния (АҚШ) университетлари, Philips Semiconductors, SGS-Thomson фирмалари, Intel фирмаси, Yale University (США) ва Токио (Япония) ва Берлин техника университетида (Германия) эса турли киришмалар билан легирланган кремний асосида оптоэлектрон асбоблар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Цюрих тадқиқот маркази (Швейцария) ва Фонтис амалий фанлар университетида (Нидерландия) янги яримўтказгичли материаллар ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, наноструктура физикаси Санкт-Петербург (Россия) Физика-техника институтида, микро- ва наноэлектроника структураларини олиш технологияси билан ИИК «Полнос»

¹ Обзор международных научных исследований по теме диссертации проведен на основе: De Luca, A., Texier, M., Burle, N., Oison, V., Pichaud, B., Portavoce, A., Tungsten diffusion in silicon. J. Applied Physics, Volume: 115; Issue: 1; United States: N. p., 2014. Web. doi:10.1063/1.4859455.

(Россия) шуғулланмоқда. Дунёда олиб борилаётган илмий ишларнинг натижасига кўра, турли элементлар билан легирланган материалларни олиш ва улар асосидаги структураларни ўрганиш бўйича кўпгина қизиқарли илмий натижалар мавжуд, хусусан, қуйидаги: Yale University (АҚШ)да илк бор нодир ер элементлари эрбий (Er) ионига эга бўлган ёруғлик сочувчи кремнийли структура намунаси олинган; кристалл панжарасида нодир ер элементи мавжуд бўлган структура Лунд (Швеция) ва Женева университетлари (Швейцария) томонидан ишлаб чиқилган; эрбий марказли структуралари (Nation institute for materials science Yokohama)да ўрганилган; экологик кузатишлар тизимлари учун асбоблар (Japan atomic energy research institute) яратилган; юқори магнит қаршилигига эга бўлган наноструктурали термик датчиклари технологияси яратилди (Тошкент давлат техника университети), кичик ўлчамли ўта ўтказувчанлик назарияси ривожлантирилди (Ядро физикаси институти).

Ҳозирги пайтда тадқиқотлар қуйидаги истиқболли йўналишларда олиб борилмоқда, жумладан: Ni ва Mn нанокластерга эга бўлган яримўтказгичли материаллар асосида температура датчикларини яратиш ва уларнинг бошқа функционал параметрларни яхшилаш бўйича; легирланган Si асосида температура ва намлик датчикларини ишлаб чиқиш; каналда манфий градиентга эга бўлган киришмалар асосида ёруғликка сезгир майдон тразисторларини ва яримўтказгичли материаллар асосида функционал тавсифлари оширилган бошқа асбобларни тайёрлаш; ўтувчи элементлари мавжуд киришмали кремнийда термик ва радиацион нуқсонларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш; икки ўлчамли қатламлар фазалар чегарасида юзага келадиган наноўлчамли ва квант эффектларни ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга қадар олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эътибори кремнийда ва кремний структураларида кечувчи физик жараёнлар, шунингдек уларнинг параметрлари барқарорлигини муқобиллаштириш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган, АҚШ ва Япония олимлари A.Milnes, D.J.Struthers, E.R.Weber, Y.Tokumari томонидан фотосезгирликни ошириш учун кремнийнинг чегаравий қатламларида ноанъанавий аралашмалар (Ti, Ni, Gd, Sm ва бошқалар) билан кичик концентрацияларда, кейинчалик уни термик оксидлаш ва (Al, Cu ва W) металл электродларини жойлаштириш билан легирлаш жараёни ишлатилган. Россиялик олимлар А.А.Лебедев, Л.С.Берман, В.И.Фистуль томонидан кремнийда ҳар хил чуқур сатҳли киришмаларнинг ҳолати ўрганилган ва ушбу сатҳларнинг энергетик спектрлари аниқланган.

Академиклар М.С.Саидов, Р.А.Муминов, А.Т.Мамадалимов ва бошқа Ўзбекистонлик олимлар ҳам яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структуралардаги локал марказлар физикасини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишларда ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшганлар. Компенса-цияловчи киришмалар билан легирланган яримўтказгичларнинг хоссалари академиклар М.К.Баҳадирханов ва С.З.Зайнабидинов томонидан ўрганилган, улар чуқур сатҳли киришмалар билан компенсирланган кремнийда ҳароратли сўниш ва ИҚ-сўниш эффектларини аниқлаганлар.

К.П.Абдурахманов бошқалар томонидан ҳар хил киришмалар билан легирланган кремнийда нуқсон ҳосил бўлиши ва бир қанча киришмаларнинг энергетик спектрлари аниқланган. Профессорлар С.И.Власов, Арипов Х.К., Исмаилов К.А. томонидан кремний асосидаги диод ва транзисторли структураларининг фазалараро чегараларида юз берувчи физик жараёнлар ўрганилиб, бўлинишнинг яширин чегараси хоссаларини яримўтказгич ва диэлектрикнинг ҳажмий хоссаларидан фарқловчи асосий фактор, яримўтказгичнинг таъқиқланган соҳасидаги энергетик сатҳларни ҳосил қилувчи сиртий электрон ҳолатларнинг борлиги исботлаб берилган.

Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структураларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича экспериментал маълумотларнинг кўплигига қарамасдан, турли ташқи омиллар: босим, нурланиш ва қуёш нури таъсирида унга асосланган кремний ва кўп қатламли структураларнинг ҳаракатини олдиндан айтиб беришга имкон берувчи маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси фан ва технология агентлиги томонидан ажратилган грантларнинг тематик режаларига мувофиқ амалга оширилган: ФМ-2-038 рақамли «Қийин эрувчи элементлар билан легирланган, кремний асосидаги, металл-диэлектрик-яримўтказгич типидagi кўпқатламли структураларнинг бўлиниш чегарасидаги ва ҳажмидаги физик жараёнларни тадқиқ қилиш» (2007-2008 йй.); ОТ-Ф2-081 рақамли «Кремнийнинг киришмали-нуқсонли ассоциатли монокристалларида нуқсон ҳосил бўлиши қонуниятларини ва яримўтказгич-диэлектрик бўлиниш чегараларида яширин чегаралар пайдо бўлишининг динамик жараёнларини ўрганиш» (2007-2011 йй.); ЁФ-2-08 рақамли «Нодир ер элементлар киришмалари билан легирланган кремний ва кремнийли кўп қатламли структуралардаги нуқсон ҳосил бўлишига ва термик ишловига радиациянинг таъсирини ўрганиш» (2010-2011 йй.), ЁФ-2-13 рақамли «Кремний структураларининг электрофизик хоссаларига титан кичик гуруҳи кириндиларининг таъсирини ўрганиш» (2016-2017 йй.) ва МУ-ФЗ-20171025461 рақамли «Диэлектрик сифатида лантан, гадолиний ва европий оксидлари ишлатилган кремнийли МДЯ-структураларнинг электрофизик хусусиятлари» (2018-2019 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирланган кремний ва кремнийли структураларда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларини, шунингдек, мазкур жараёнларга баъзи нодир ер элементларининг таъсирини сиғимли спектроскопия, ёруғлик сиғими ва инфрақизил спектроскопия усуллари ёрдамида комплекс ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кремнийни қийин эрувчи элементлари киришмалари билан легирлаш технологияси ва физико-кимёвий аспектиларини ишлаб чиқиш;

қийин эрувчи элементлар билан легирланган Si намуналарининг электрофизик хоссаларини диффузия ва ўстириш жараёни орқали тадқиқ этиш;

қийин эрувчи элементлар киришмалари кремнийдаги чуқур марказларнинг энергетик спектрларини аниқлаш ва уларни идентификация қилиш;

технологик омилларнинг қийин эрувчи элементлар киришмалари кремнийда чуқур марказларни ҳосил қилиш самарадорлигига таъсирини ўрганиш;

кремний ва кремнийли кўп қатламли структуралар қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирлангандаги ташқи омиллар (нурланиш, ҳарорат ва б.) таъсирини тадқиқ этиш;

кремнийдаги қийин эрувчи элементлар атомларининг ўстириш пайтида ҳосил бўлган киришмалари ва баъзи нодир ер элементларининг киришмалари билан ўзаро таъсирини ўрганиш;

металл-диэлектрик-яримўтказгич типдаги кремнийли структураларнинг параметрларига қийин эрувчи ва нодир ер элементлари атомларининг таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қийин эрувчи ва нодир ер элементларининг киришмалари билан легирланган Чохраль ва тигелсиз зонада эритиш усули билан ўстирилган монокристалли кремний ва улар асосидаги МДЯ-структуралар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қийин эрувчи ва нодир ер элементлар билан легирланган кремний ва кремний структураларида нуқсонларнинг ҳосил бўлиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Қуйилган вазифаларни ҳал қилишда чуқур сатҳлар ностационар сиғимли спектроскопия (ЧСНСС), ёруғлик сиғими (ЁС), ёруғлик ўтказувчанлик (ЁЎ), инфрақизил спектроскопия (ИҚС) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сиғимли спектроскопия усуллари (DLTS ва ЁС) ёрдамида кремнийда қийин эрувчи элементлар киришмалари (Mo, W, Ti, Zr ва Hf) ҳосил қилувчи чуқур сатҳларининг энергетик спектрлари идентификация қилинган;

қийин эрувчи элементлар (ҚЭЭ) киришмалари билан кремнийни легирлашнинг физик-кимёвий жиҳатлари ва технологияси ишлаб чиқилган;

ўстириш вақтида кремнийга ҚЭЭ киришмаларини киритишда уларнинг кўпчилиги электр фаол бўлмаслиги ва уларга узоқ муддатли юқори ҳароратли ишловлар берилганда фаоллашиши мумкинлиги аниқланган;

илк бор ҚЭЭ киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларининг самарадорлиги кремнийни легирлаш усуллари, бошланғич кремний структурасидаги нуқсонлар мукамаллиги, дастлабки термик ишлови берилиши ва легирлаш технологик режимларига боғлиқлиги аниқланган;

кремнийда ҚЭЭ киришмалари мавжудлиги радиацион нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнлари самарадорлиги пасайишига олиб келиши, назорат намуналарига нисбатан А-марказларнинг ҳосил бўлиш тезлигини 5-6 мартабага камайтириши ва Е-марказлар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиши аниқланган;

ҚЭЭ киришмалари билан легирланган кремний асосида 3-5 мкм тўлқин узунлиги оралиғида фотосезгирликка, бир текис фотогенерацияга эга бўлган, термикка барқарор ва фотоэлектрик параметрлари такрорланувчи фотоўзгартиргичлар яратиш имконияти аниқланган;

илк бор кремний панжарасида нодир ер элементлари киришмаларининг мавжудлиги ҚЭЭ киришмаларининг эрувчанлигини кескин ошириши ва бир вақтнинг ўзида иссиқлик нуқсонлар ҳосил бўлиш самарадорлигини камайиши кузатилган;

ҚЭЭ мавжуд кремнийга нодир ер элементларини киритиш орқали турли бошқариб бўлмайдиган технологик киришмалар учун ички геттер сифатида намоён бўлиши кўрсатилган;

кремнийли МДЯ–структуралар тағлигида ҚЭЭ киришмаларининг мавжудлиги МДЯ–структура сирт ҳолатларининг зичлиги ошишига ва Si-SiO₂ ажралиш чегарасида мусбат заряд ҳосил бўлишига ва сиртий ҳолатлар тақсимотининг (N_{ss}) тақиқланган зона кенглиги (E_g) бўйича ўзгаришига олиб келиши аниқланган;

ҚЭЭ киришмаларининг заряд боғловчи асбоблар (ЗБА) тағлигида мавжудлиги сиртий ҳолатлар зичлиги 1 тартибга ва сиртий рекомбинация тезлиги эса оддий заряд боғловчи асбобларга нисбатан 2 мартабага камайиши аниқланган;

диссертация тадқиқотида ривожлантирилган ва асосланган илмий натижалар «Қийин эрувчи элементлар билан легирланган кремний ва кремнийли кўп қатламли структураларда ҳосил бўладиган жараёнларнинг физик асослари» номли янги илмий йўналишни яратиш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қийин эрувчи элементлар билан легирланган кремний асосида фотоэлектрик параметрлари такрорланувчи, бир хил фотогенерацияга, термикка барқарор ва 3-5 мкм спектрал оралиғида фотосезгирликка эга бўлган фотоўзгартиргичлар яратиш имконияти ишлаб чиқилган;

қийин эрувчи элементларни кремнийга диффузия қилишдан аввал нодир ер элементлари киритилган кремнийда нодир ер элементлари бошқариб бўлмайдиган киришмаларга геттер вазифасини бажариши яримўтказгичли p⁺-n-n⁺- структурали диодларни ишлаб чиқаришда қўллаш имконияти тавсия этилган.

қийин эрувчи элементларни кремнийга киритиш орқали термикка барқарорлигини ошириш ва радиацияга чидамли структураларни ишлаб чиқиш усуллари кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чуқур сатҳларнинг ностационар сиғимли спектроскопия, ёруғлик сиғими, ёруғлик ўтказувчанлик ва инфрақизил спектроскопия усуллариининг концентрация бўйича юқори

сезгирликка ва энергия бўйича юқори ажратиш қобилиятига, ҳар бир сатх параметрларини ажратиш имкониятига эга бўлган тажрибавий услубларнинг қўлланилганлиги билан исботини топган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирланган монокристалл кремний ва кремний структураларида содир бўладиган физик жараёнлар тушунчасини кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қийин эрувчи элементлар киришмалари билан кремнийни легирлашнинг физик-кимёвий жиҳатлари ва технологиясини ишлаб чиқиш ва кремнийда ҚЭЭ мавжудлигида унга нодир ер элементларини киритиш, ички геттер йўлини ишлаб чиқиш орқали турли технологик бошқариб бўлмайдиган киришмалар (темир ва кислород) ва кремний параметрларининг термикка барқарорлиги ва радиацияга чидамлилигини ошириш учун қийин эрувчи элементларни киритиш орқали турли яримўтказгичли асбобларни ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қийин эрувчи элементлар ва нодир ер элементлари билан легирланган монокристалл кремний ва кремний структураларида нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш натижасида олинган илмий натижалар асосида:

кремний кристаллини ҚЭЭ киришмалари билан легирлаш технологияси ва ҚЭЭ киришмалари ҳамда нодир ер элементларини киритиш орқали бошқариб бўлмайдиган технологик киришмаларни ички геттерлаш усули «FOTON» акционерлик жамиятида электрон техника маҳсулотлари учун тажриба намуналарини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2019 йил 24 декабрдаги 04-1/60-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш электрон техника маҳсулотлари тажриба намуналарининг электрофизик параметрларини яхшилаш ва ишончлилигини ошириш имконини берган;

анъанавий бор ва фосфор киришмалари диффузияси жараёнида нодир ер элементларини киритиш ва кремнийда бошқариб бўлмайдиган киришмалар учун нодир ер элементлари геттер хусусиятларини намоён қилиши p^+-n-n^+ структурали яримўтказгич диодлар ишлаб чиқариш ОАЖ «Новосибирск яримўтказгичли асбоблар заводи КББ»га жорий этилган («Новосибирск яримўтказгичли асбоблар заводи КББ» акционерлик жамиятининг 2019 йил 6 декабрдаги 04/401-543-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши диодларнинг ишдан чиқиш тоқларини бир тартибга камайтириш ва қувватни циклик синовларда ҳам ушлаб туриш имконини берган;

кремнийда ҚЭЭ киришмаларининг эрувчанлиги сезиларли даражада ошишининг аниқланиши ва кремний панжарасида нодир ер элементлари киришмалари иштирокида термик нуқсонлар ҳосил бўлиш самарадорлигининг бир вақтда пасайиши Ф2-ФА-Ф118 рақамли «Ионлаштирувчи нурланиш детектори сифатида ишлатиладиган оксид ва фторли қаттиқ жисмли материалларида радиациявий рағбатлантирувчи ходисалар

қонуниятлари» фундаментал лойиҳада ВаFІ кристалларида радиацион нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнида W киришмалар таъсири натижаларини таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 5 декабрдаги 2/1255-3184-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши радиацион нуқсонлар ҳосил бўлишида W киришмасининг тўсқинлик қилишини аниқлаш имконини берган;

ҚЭЭ билан легирланган кремний асосидаги структураларнинг 3-5 мкм спектр соҳасида фотосезувчанлик хусусиятига эгаллиги, юқори термик барқарорлиги, фотогенерация жараёнининг ва фотоэлектрик параметрларнинг барқарорлиги асосида мазкур методикадан фойдаланиб, юқори самарадорликка эга фотоўзгартгичлар яратиш бўйича илмий-техника натижалар А-4-12 рақамли «Наноплазмониканинг эффекти ва улар ёрдамида кремнийли р-п-структураларда фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини ошириш» фундаментал лойиҳасида кремнийли фотоэлектрик р-п-структураларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 ноябрдаги 87-03-4624-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ҚЭЭ билан легирланган кремний асосидаги р-п-структураларда фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 10 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 44 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 22 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, адабиётлар рўйхати 155 та номдан иборат бўлиб, 64 та расм, 3 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 208 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Кремний ва кремнийли структураларда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган биринчи бобда қийин эрувчи ва нодир ер элементлари киришмалари билан легирланган кремнийнинг электрофизик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича ишларнинг натижалари келтирилган. Қийин эрувчи элементлар билан ўстириш жараёнида ҳам, диффузион услубда ҳам легирланган кремнийни хусусиятларининг таҳлили келтирилган. Қийин эрувчи элементлар билан легирланган кремнийнинг хусусиятларига технологик киришмаларнинг (кислород ва углерод) таъсири кўриб чиқилган. ҚЭЭ ва нодир ер элементлари киришмалари билан легирланган кремнийнинг электрофизик хусусиятларига термик ишлов бериш ва нурлантиришни таъсир кўрсатиши, шунингдек турли миқдордаги кислородга эга бўлган кремнийда структуравий нуқсонларни тадқиқ этиш бўйича маълумотлар таҳлил этилди.

Кремний ва кремнийли структураларда турли нуқсонларнинг ўзини тутиш хусусияти тадқиқ этилишининг ҳозирги замондаги ҳолати, шунингдек турли ташқи факторларнинг легирланган кремнийнинг хоссаларига таъсирининг таҳлили келтирилган.


Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли структураларда чуқур сатҳлар сиғимли спектроскопиянинг асосий қонуниятлари тасвирланган. t_1 ва t_2 вақт моментларида релаксацион сигнал фарқини ўлчашга асосланган DLTS классик услубнинг моҳияти баён қилинган. DLTS спектрларини турли режимларда ва бир карралик ва кўпкарралик сканерлаш йўли билан олинган DLTS спектрларини ҳисоблаш усули кенг баён этилган.

Кремнийдаги кислород ва углероднинг концентрациясини аниқлаш учун икки нурли схемада спектри 1200 дан 400 см^{-1} инфрақизил (ИК) – соҳасида ишлайдиган SPECORD-72-IR инфрақизил спектрофотометр ёрдамида ИҚ-ютилиш спектрларини ўлчаш усули баён этилган.


Бобнинг охирида термик ишловлар ва диод структураларининг тайёрлаш технологиялари батафсил тавсифланган. Кремнийни қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирлаш технологияси тўлиқ баён этилган. **«Қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнлари»** деб номланган иккинчи боб қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирланган кремнийдаги нуқсонли марказларнинг энергетик спектрини ўрганишга бағишланган. Қийин эрувчи элементлар (W, Mo, Zr, Ti ва Hf) билан легирланган кремнийда

нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқ этиш натижалари баён этилган, сиғимли спектроскопия (DLTS ва ЁС) усуллари ёрдамида кремнийнинг тақиқланган зонасида ушбу киришмалар ҳосил қиладиган чуқур энергетик сатҳлар аниқланган ва уларнинг энергетик спектри идентификация қилинган.

Вольфрам атомларининг кремнийга диффузия усулида киритилиши $n\text{-Si}\langle W \rangle$ намуналарда $E_c - 0.22$ эВ (А-чўкки), $E_c - 0.30$ эВ (В-чўкки) ва $E_c - 0.39$ эВ (С-чўкки) ионланиш энергиясига эга бўлган бир қатор чуқур сатҳлар ҳосил бўлишига олиб келиши кўрсатилган, бунда иккинчи чуқур сатҳ $E_c - 0.30$ эВ устунлик қилади. $p\text{-Si}\langle W \rangle$ намуналарда $E_v + 0.31$ эВ (Д чўкки) ва $E_v + 0.35$ эВ (Е чўкки) ионланиш энергияларига эга бўлган икки чуқур сатҳлар мавжудлиги аниқланган. Олинган натижаларнинг таҳлили, $E_c - 0.30$ эВ, $E_c - 0.39$ эВ, $E_v + 0.31$ эВ ва $E_v + 0.35$ эВ чуқур сатҳларни ҳосил бўлиш самарадорлиги диффузия ҳарорати $T_{\text{диф}}$ ва соғутиш тезлигига $v_{\text{сов}}$ боғлиқ эканлигини кўрсатди (1 ва 2 - расм).



1-расм. $n\text{-Si}\langle W \rangle$ ва $p\text{-Si}\langle W \rangle$ намуналарининг DLTS спектрлари.
 $T_{\text{диф}}^{\circ}\text{C}$: 1-1000, 2-1100, 3-1200 ва
 А чўкки – $n\text{-Si}$ назорат намунаси




2-расм. $n\text{-Si}\langle W \rangle$ дан тайёрланган диодининг ЁС (1) ва ИЁС (2) спектрлари

$\text{Si}\langle W \rangle$ намуналарнинг DLTS ва ЁС спектрларини таққослаш, $E_c - 0.22$ эВ, $E_c - 0.30$ эВ, $E_c - 0.39$ эВ, $E_v + 0.31$ эВ ва $E_v + 0.35$ эВ энергетик сатҳлар учун термик ва оптик ўлчовлар ўртасида яхши корреляция кузатилишини кўрсатди.


Кремнийдаги молибден киришмаси учун энергетик сатҳларнинг бошқа спектри намоён этилди. Кремнийга молибденни диффузия усулида 1200°C ҳароратда киритиш ва кейин тез соғутилиш $E_c - 0.20$ эВ ва $E_c - 0.29$ эВ ионланиш энергиясига эга бўлган иккита чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлишига

олиб келиши аниқланган. Ушбу намуналарнинг тақиқланган зонасининг пастки қисмида $E_v + 0.36$ эВ ионланиш энергиясига эга бўлган битта чуқур сатҳ ҳосил бўлиши аниқланган.

Турли ҳароратда молибден билан легирланган n-Si<Mo> ва p-Si<Mo> намуналарининг DLTS спектри натижаларини таққослаш, молибден билан боғлиқ чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиш самарадорлиги, вольфрам билан бўлган ҳолатдаги каби диффузия температурасига $T_{\text{диф}}$ ва совутиш тезлигига $v_{\text{сов}}$ боғлиқ эканлигини кўрсатади: $T_{\text{диф}}$ ва $v_{\text{сов}}$ ошиши билан ЧС концентрациялари ортиб бориши аниқланган. Si<Mo> даги сатҳларнинг термик ва оптик фаоллашиш энергиялари ўлчовлар хатоликлари чегараларида мос келиши кузатилган.



3-расм. n-Si<Mo> ва p-Si Mo> намуналарининг DLTS спектрлари.
 $T_{\text{диф}}$, °C: 1-1000, 2-1200, 3 - назорат n-Si




4-расм. n-Si<Mo> намуналарининг ёруғлик сиғими (1) ва индукция-ланган ёруғлик сиғими (2) спектрлари
 $T_{\text{диф}}$, °C: 1200


Кремнийни қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирлаш технологияси ва физик-кимёвий жиҳатлари ишлаб чиқилди. Қийин эрувчи элементлар киришмалари кремнийга ўстириш пайтида киритилганда, уларнинг кўпчилиги электр фаол эмаслиги қайд этилди ва уларни узоқ вақт юқори ҳароратли ишловлар бериш йўли билан фаоллаштириш мумкинлиги аниқланди.

Қийин эрувчи элементларни ўстириш жараёнидаги пайдо бўладиган киришмаларнинг турли ҳолатлари билан ўзаро таъсирлашиши ИҚ-спектроскопия ёрдамида ўрганиб чиқилди. Кремнийни қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирлаш, киритилган киришмаларнинг концентрациясига боғлиқ ҳолда оптик актив кислород концентрациясини ($N_{O^{opt}}$) 20-30% камайишига олиб келиши кўрсатилди (5 ва 6-расм). Термик ишлов берилган (ТИБ) кремний намуналаридаги ИҚ-ютилиш спектрларини

ўлчаш шуни кўрсатдики, 1100°C да юқори ҳароратли ишлов бериш (ЮҲИБ), кислород атомларини преципитацияланишига (SiO_2 зарраларини ҳосил бўлишига) олиб келади, бунинг натижасида $\text{N}_0^{\text{опт}}$ нинг 40-50% га камайиши содир бўлади (5-расм, 3-эгри чизиқ). Бунда дастлабки тарзда термик ишлов берилган кремнийга вольфрам ва бошқа ҚЭЭ атомлари киритилишида уларнинг бир қисми SiO_2 тўпламларига чўқади, бунинг натижасида, улар эҳтимол электр фаоллигини йўқотади. Бу эса ўз навбатида ҚЭЭ атомлари билан боғланган чуқур сатҳлар концентрациясининг камайиши ЧСНСС усулида аниқланган.



5-расм. n-Si (1) - назорат, n-Si<W> (2), n-Si+ЮҲИБ (3), 1100°C да дастлабки ЮҲИБ орқали олинган n-Si<W> намуналарининг ИҚ-ютилиш спектрлари



6-расм. n-Si - назорат ва n-Si<Mo> легирланган намуналардаги ИҚ-ютилиш спектрари
 $T_{\text{диф}}$: 2- 1100°C , 3- 1250°C

Вольфрам, молибден, цирконий ва бошқа қийин эрувчи киришмаларнинг кремнийни электрофизик хоссаларига таъсири тадқиқ қилинди ва уларнинг легирланган кремнийнинг фотосезувчанлигини оширишдаги роли аниқланди. Фотоўтказувчанлик спектрлари ўлчанишида, ҚЭЭ билан легирланган кремний асосидаги структуралар, 3-5 мкм спектр соҳасида хона ҳароратида $\lambda_{\text{Si}<\text{Zr}>} = 4.1$ мкм максимум фотосезувчанлик хусусиятига эга эканлиги намоён этилди. Ушбу структуралар асосида биз томондан термик барқарорлиги юқори, бир текисда фотогенерацияланиши ва фотоэлектрик параметрлари қайта такрорланиши билан Si асосидаги айнан ўхшаш структураларга нисбатан фарқ қилувчи фотоўзгарткичларнинг лабораториявий намуналари тайёрланди.

«Қийин эрувчи элементлар мавжуд киришмали кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларига ташқи факторларнинг таъсири» деб номланган учинчи бобда, термик ишловни (ТИ) қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирланган кремнийда чуқур сатҳларнинг ўзини тутиш

хусусиятларига таъсири, қийин эрувчи элементлар киришмалари сатҳларининг паст ҳароратли ишлов бериш кинетикасини ва кремнийдаги нурланишнинг уларга кўрсатадиган таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.


ҚЭЭ киришмалари билан легирланган кремнийдаги чуқур сатҳлар ҳолатига ТИ таъсири, Si даги вольфрам мисолида батафсил кўриб чиқилди. Вольт-фарад характеристика (ВФХ) ва DLTS спектрларини n-Si<W> даги ўлчаш натижалари келтирилган. Изотермик ишлов беришда $E_c - 0.30$ эВ ва $E_c - 0.39$ эВ чуқур сатҳлар концентрациялари (N_t) ишлов бериш вақти билан номонотон равишда ўзгариши намоён этилди: иккала сатҳларнинг концентрациялари қисқа вақтларда ортади, сўнгра $E_c - 0.30$ эВ сатҳнинг концентрацияси кескин пасаяди, ЧС $E_c - 0.39$ эВ концентрациясининг пасайиши секинроқ содир бўлади. Назорат намуналарида (яъни вольфрамсиз намуналарда) ҳам кузатилувчи $E_c - 0.22$ эВ чуқур сатҳлар концентрациясининг ўзгариши, кремнийдаги вольфрам концентрацияси ўзгаришига қарама-қарши эканлиги аниқланди.

Турли миқдордаги кислородли n-Si<W> намуналарда чуқур сатҳли марказларнинг термик куйиш кинетикасини таққослаш, кремний-вольфрам қаттиқ эритмани парчаланиш жараёнларида кислород ҳам муҳим роль ўйнашини кўрсатиб берди. Кислород концентрацияси $N_{O}^{opt} \sim 10^{18}$ бўлган намуналарда, чуқур сатҳларнинг термик куйиши $N_{O}^{opt} \sim 2 \cdot 10^{16}$ намуналардагига нисбатан 3-4 марта секинроқ содир бўлади.

ҚЭЭ билан легирланган кремнийга радиация таъсири ўрганилди ва γ -нурланиш n-Si<W> даги ЧС параметрларига (E_t ионланиш энергияси ва σ_n электронларни тутиб олиш кесими) жиддий таъсир кўрсатмаслиги, бироқ $\Phi > 10^{18}$ кв/см²·сек нурланиш дозаси ортиши билан DLTS спектрлари ўзгариши содир бўлиши аниқланди (7- расм).

Кремнийда вольфрам ёки бошқа ҚЭЭ мавжудлиги намуналарнинг γ -нурлантирилишида А-марказларнинг (вакансия-кислород комплекслари) киритилиш тезлигини назорат намуналарига нисбатан 3÷4 марта пасайишига олиб келиши ва Е-марказлар (вакансия-фосфор комплекслари) ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиши кўрсатиб берилди. ҚЭЭ киришмалари киритилган Si нинг юқори дозаларда γ -нурлантирилишида қийин эрувчи элементлар атомлари билан боғлиқ ЧС концентрацияси пасайиши кузатилиши намоён қилинди.

Ушбу эффект нурлантиришда вакансияларни ҚЭЭ атомлари билан кетма-кет тутиб олиниш жараёни бўлиши мумкинлиги ва бу ҚЭЭ вакансия - атом туридаги электронейтрал комплекслари ҳосил бўлишига олиб келиши ва бу ўз навбатида радиацион нуқсонларни киритилиш тезлигини чеклаши мумкинлиги тахмин қилинди. Радиацион нуқсонларнинг ҳосил бўлиш самарадорлиги, шунингдек, оптик фаол тугунлараро кислород N_{O}^{opt} миқдорига боғлиқ бўлиши аниқланди.



7-расм. $n\text{-Si}\langle W \rangle$ (1 эгри чизик) ва термик ишлов берилган $n\text{-Si}$ назорат намуналарининг ($N_0^{\text{опт}} \sim 8 \cdot 10^{17} \text{см}^{-3}$ - 2 эгри чизик, $N_0^{\text{опт}} \sim 8 \cdot 10^{16} \text{см}^{-3}$ - 3 эгри чизик) $\Phi > 10^{18} \text{кв/см}^2 \cdot \text{сек}$ доза орқали нурлантирилишидан кейинги DLTS спектрлари


«Қийин эрувчи элементлар киришмаларининг кремний структураларининг характеристикаларига таъсири» деб номланган тўртинчи бобда, ҚЭЭ (M_0 , W , Ti , Zr , ва Hf) киришмалар киритилган кремний асосидаги МДЯ-структураларда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Вольт-фарад характеристикаси ва доимий сиғимли ностационар сиғимли чуқур сатҳлар спектроскопияси (СС-DLTS) спектрларини ўлчаш ҚЭЭ киришмаларини Si га ўстириш пайтида киритилиши кремний тагликнинг тақиқланган зонасида бирор бир ЧС ҳосил бўлишига олиб келмаслигини кўрсатди. $Si\langle Mo \rangle$ асосидаги МДЯ-структуралар мисолида ВФХ ўлчаш натижалари, улар назорат намуналардагига нисбатан манфий кучланишлар томонга силжишини кўрсатди. Бу кремнийга Mo киритилиши структураларнинг генерацион тавсифларини ўзгаришига яъни: N_{SS} МДЯ-структураларнинг юза ҳолатларининг зичлиги ортишига ва $Si\text{-}SiO_2$ ажралиш чегарасида мусбат заряд ҳосил бўлишига олиб келишидан далолат беради.

Молибден ўстириш пайтида киритилган кремний асосидаги МДЯ-структураларда ва назорат МДЯ-структураларда (Mo киришмасиз) СС-DLTS спектрларини ўлчаш, уларнинг спектрлари бир бирига мос келишини, сезиларли концентрациядаги қайсидир чўққилар намоён этилмаганлигини кўрсатди (9-расм, 1 эгри чизик). Молибден киришмали структурага эга яримўтказгичнинг E_g тақиқланган зонаси кенглиги бўйича N_{SS} тақсимланишини ўлчаш натижалари N_{SS} ни E_g га боғлиқлигининг тақсимланиш спектри типик U-симон хусусиятга эга эканлигини кўрсатди.


Молибден диффузия усулида киритилган МДЯ-структураларида бошқача кўриниш кузатилади. Дастлаб кремний $1000\text{-}1200^\circ\text{C}$ ҳароратлар

оралиғида 2 соат давомида, Si юзасига туширилган металл ҳолидаги Мо диффузион услубда легирланди. Сўнг, $\rho=5\div 20$ Ом•см солиштирма қаршилиқдаги n-Si<Mo> пластинкаларида МДЯ-структуралар тайёрланди.

Диффузия орқали Мо киритилган МДЯ - структураларининг ВФХ ўлчашлар (8-расм, 4-эгри чизик) улар назорат намуналарига нисбатан манфий силжишлар томонга янада кўпроқ силжиганлигини кўрсатди (8 расм, 3-эгри чизик). Маълумки, C-V-тавсифларнинг манфий кучланишлар томонга силжиши, структуралардаги юза ҳолатлар зичлиги (ЮХЗ) ортишидан далолат беради.



8-расм. Мо киришмали МДЯ-структуралар ВФХ: 1,3-назорат остидаги Мо киришмасиз МДЯ-структуралар, 2-Si<Mo>_{устир.} асосидаги МДЯ-структуралар, 4-Si<Mo>_{диф.} МДЯ-структура



9-расм. Назорат остидаги (1-эгри чизик) ва Мо билан легирланган МДЯ-структураларнинг (2 ва 3- эгри чизиклар) DLTS-спектрлари


Бу тадқиқ этилаётган структураларнинг кремний тағлигидаги Мо электрофаол атомларининг мавжудлиги N_{ss} янада кўпроқ ортишига ва Si-SiO₂ ажралиш чегарасида мусбат заряд ҳосил бўлишидан далолат беради. Легирланган (9-расм, 2 ва 3 эгри чизиклар) ва назорат намунаси МДЯ-структураларда СС-DLTS спектрларини ўлчаш натижалари, легирланган намуналар спектрларида $T_{max}=125$ К ва $T_{max}=160$ К ҳароратлардаги максимумли 2 чўққи кузатилганлигини кўрсатди, уларнинг амплитудаси электрофаол Мо концентрацияси ортиши билан ўсади. Назорат намуналарида бундай чўққилар ҳосил бўлмайди. Ушбу чўққилар билан ифодаланган нуқсонлар параметрларининг сонли ҳисоблари $T=125$ К ҳароратда максимумли чўққи $E_c - 0.20$ эВ ионланиш энергиясига эга сатҳга, $T=160$ К ҳароратдаги чўққи эса $E_c - 0.29$ эВ ионланиш энергиясига эга сатҳга мос келишини кўрсатади. Легирланган (9-расм, 2 ва 3 эгри чизиклар) ва назорат намунаси (9-расм, 1 эгри чизиклар) МДЯ - структуралардаги СС-DLTS спектрларини ўлчашлар, легирланган намуналар спектрларида ва $T_{max}=125$ К ва $T_{max}=160$ К ҳароратлардаги максимумларга эга 2 чўққи кузатилганлигини кўрсатди, уларнинг амплитудаси электрофаол Мо концентрацияси ортиши

билан ўсиб боради. Назорат намуналарида бундай чўққилар намоён бўлмайди. Ушбу чўққиларнинг мавжудлиги билан ифодаланувчи нуқсонлар параметрларининг сонли ҳисоблари, $T=125$ К ҳароратдаги максимумга эга чўққи $E_c = 0.20$ эВ ионланиш энергиясига эга бўлган сатҳга, $T=160$ К ҳароратдаги максимумли чўққи эса $E_c = 0.29$ эВ ионланиш энергияли сатҳга тўғри келишини кўрсатди. Шунингдек N_{ss} ни Mo киришмали ва Mo киришмасиз МДЯ-структуралар яримўтказгичнинг E_g тақиқланган зонаси кенглиги бўйича тақсимланишининг ўзгариши ўрганиб чиқилди.

«Кремний ва қийин эрувчи элементлар киришмали кремний структураларида нодир ер элементлари ички геттерлар ролида» деб номланган бешинчи бобда, кремний панжарасида нодир ер элементлари киришмаларининг мавжудлиги, қийин эрувчи элементлар (Hf , W ёки Mo) киришмалари эрувчанлигини бир тартибга жиддий ошириши ва бир вақтнинг ўзида термонуқсонлар ҳосил бўлиш самарадорлигини пасайтириши илк бор аниқланган тадқиқот натижалари келтирилган.

Кремнийдаги нодир ер элементлари киришмалари ҚЭЭ киришмалари мавжудлигида, турли назорат қилинмайдиган технологик киришмалар (темир ва кислород) учун ички геттерлар ролини бажариши кўрсатилган: оптик фаол, тугунлараро кислороднинг концентрацияси 50-60% камаяди, кремнийга қўшимча равишда нодир ер элементлари киришмалари билан бирга ҚЭЭ атомлари киритилишида темир атомлари билан боғлиқ сатҳлар кузатилмайди. Структуравий таҳлил натижалари, бундай намуналарда темир ва кислород иштирокидаги электронейтрал комплекслар кузатилишини кўрсатди.

«Қийин эрувчи элементлар киришмалари билан легирланган, металл-диэлектрик-яримўтказгич структуралари асосидаги заряд боғланишли асбоблар» деб номланувчи олтинчи бобда қийин эрувчи элементлар киришмаларини заряд боғланишли асбобларда заряд кўчиши носамарадорлигига таъсир кўрсатиш натижалари келтирилган ва заряд боғланишли асбобларнинг кремний таглигида қийин эрувчи элементлар (W , Mo , Zr ва бошқалар) мавжудлиги юза ҳолатлари зичлигини 1 тартибга, юзани рекомбинацияланиш тезлигини эса оддий ЗБА- структуралардагига нисбатан 2 тартибга камайишига олиб келиши аниқланган. Турли кўчиш носамарадорлиги билан ЗБА нинг ўлчаш натижалари, ε катталиқ юза ҳолатлари зичлигига (ЮХЗ) тўғри мутаносиб эканлигини кўрсатди. Бунда ЗБА регистрлардаги юза ҳолатлари зичлигининг катталиги, натижавий йўқотишларда $n\varepsilon < 0,1$ махсус киритилган киришманинг турига боғлиқ бўлади. Ti , Zr ва Hf киришмалари билан легирланган намуналарда, назорат остидаги ЗБА-структураларидагига нисбатан заряд йўқотишлар кўпроқ ва Mo киришмалари билан легирланган намуналарда эса заряд йўқотишлар камроқдир. Бундан вольфрам ва молибден киришмалари билан легирланган кремний сифатли ЗБА-асбоблар яратилиши учун кўпроқ яроқли эканлиги келиб чиқади.



10-расм. Легирланган (Zr, Ti, Hf, Mo и W) ва контроль ЗБА регистрлари йуқотиш δ_s нинг ноль сонига боғлиқлиги

Бажарилган ҳисобларнинг кўрсатишича, назорат остидаги намуналарда юза ҳолатлар зичлиги (ЮЗХ) катталиги $N_{SS}=9.9 \cdot 10^{-9} \text{эВ}^{-1} \cdot \text{см}^{-2}$ ни ташкил этади. Бу ердан $n\epsilon < 0,1$ кўчишнинг носамарадорлигида W киришмаси билан легирланган тагликли ЗБА-асбоблар энг яхши чиқиш тавсифларига эга эканлиги экспериментда кузатилган (10-расм, 6-чизиқ).

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқот ишининг асосий натижалари қўйидагилардан иборат:

1. Илк бор қийин эрувчи элементлар (Mo, W, Ti, Zr и Hf) киришмалари билан легирланган Si да сиғимли спектроскопия усуллари (DLTS и ЁС) ёрдамида ҳосил бўлган чуқур сатҳлар энергетик спектрлари идентификация қилинган.

